

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ УМИРБЕК БЕГМАТОВИЧ

**МУҚОБИЛ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИГА
ОИД МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА УЗЛУКСИЗ ФИЗИКА ТАЪЛИМИ
МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Абдиев Умирбек Бегматович

Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига
оид материаллар асосида узлуксиз физика таълими
мазмунини такомиллаштириш 3

Абдиев Умирбек Бегматович

Усовершенствование содержания непрерывного
образования по физике на основе материалов по
альтернативным и возобновляемым источникам энергии 31

Abdiev Umirbek Begmatovich

Improving the content of continuous physics education
based on materials on alternative and renewable energy
sources 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ УМИРБЕК БЕГМАТОВИЧ

**МУҚОБИЛ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИГА
ОИД МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА УЗЛУКСИЗ ФИЗИКА ТАЪЛИМИ
МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Ped95 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Докторлик диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мўминов Рамизулла Абдуллаевич**
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Мамадолимов Абдуғофур Тешабоевич**
физика-математика фанлари доктори, академик

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Имамов Эркин Зуннунович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-кимё технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунини таркатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Арипов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, п.ф.ф.д (PhD)

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ривожлантиришда тежамкорлик ва атроф-муҳит муҳофазасига асосланган энергия манбаларига оид билимларни фанларга интеграциялаш, физика фанида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан боғлиқ ўқув материалларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етакчи давлатлар таълим тизимларида илғор тажрибалар ва замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиб, физика фани мазмунига энергия манбаларини ҳосил қилишнинг технологик маршрутлари, қурилмаларнинг техник имкониятлари, энергия ҳосил қилишнинг мураккаб жараёнлари билан боғлиқ узвий компетенциялар таркибини сингдириш амалиёти кузатилмоқда.

Жаҳон илмий тадқиқот муассасалари ва марказларида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид билимлар трансформациясининг педагогик хусусиятлари, энергия тежамкор технологиялар билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик ёндашувлари, физик ҳодисаларни моделлаштириш, ҳамкорликда ўқитиш методларини фундаментал ва амалий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий изланишлар таълим олувчиларда замонавий энергия турларини ҳосил қилишнинг физик жараёнларига оид хусусий ва таянч компетенцияларни шакллантириш, замонавий энергия манбаларидан самарали, оқилona ҳамда тежамкорлик билан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув мазмунини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида илғор тажрибалар асосида физика фани узвийлигини таъминлаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш имконияти юзага келди. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш чора-тадбирларида “ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш” каби вазифалар белгиланган¹. Бу борада узлуксиз физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор технологияларга доир замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқитиш узвийлигини таъминлаш методикасини такомиллаштириш, дарсдан ташқари машғулотлар савияси ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3775-сонли Қарори. – Тошкент, 2018 йил 5 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 234-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Узлуксиз физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Technische Universitaet Berlin–TUB (Германия), Institute of Physics (Англия), Oxford University (АҚШ), University of L’aquila–Univaq (Италия), Chimiko Technologichen i Metalurgichen Universitete–UCTM (Болгария), Kungliga Tekniska Hoegskolan–КТН (Швеция), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия) каби нуфузли олий таълим муассасаларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари физикавий асосларига оид фан ва техника янгиликларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари турларини ҳосил қилишнинг замонавий асосларига оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш босқичлари такомиллаштирилган ва узлуксиз таълим тизимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид ўқув материалларини ўқитишнинг интерфаол таълим технологиялари ишлаб чиқилган (Technische Universitaet Berlin–TUB), ноанъана-

² E.L.Wolf. Physics and Technology of Sustainable Energy. ISBN 9780198769804. USA. 2018. Oxford University Press. 432 pp; Е.П.Турбина, Т.П.Адамберг. Проектная деятельность на уроках физики на примере создания комплекса по получению энергии альтернативными способами // Вестник Шадринского государственного педагогического университета. Педагогические науки. Россия. 2018. – С.80–86; Н.М.Гафуров, Б.Р.Хакимуллин, И.З.Багаутдинов. Основные направления альтернативной энергетики // Инновационная наука. Россия. – 2016. – С.74–75.

вий энергия манбалари физикаси ва технологиясига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни шакллантиришга бағишланган илмий изланишлар олиб борилган (Kungliga Tekniska Högskolan–КТН).

Дунё тажрибасида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материаллар асосида узлуксиз физика таълимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид хусусий ва таянч компетенцияларни шакллантириш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид мультимедиали электрон таълим дастурлари ва виртуал лаборатория ишларини ишлаб чиқиш асосида физика ўқитиш жараёнини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар Ўзбекистонда С.Азимов, У.Арифов, Р.Захидов, Р.Муминов, М.Бахадирханов, А.Мамадолимов, М.Турсунов³, А.Абдурахмонов, С.Власов, М.Саидов, Х.Арипов, Э.Имамов, Н.Зикриллаев, Х.Илиев, Р.Алиев, М.Абдиқодиров, физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни ўқитиш имкониятлари бўйича илмий изланишлар С.Қаххаров, Ҳ.Жўраев⁴, МДХ давлатларида А.Глеуов, В.Германович, Ю.Сибикин⁵, хорижий давлатларда Дж.Твайделл, Д.Бойлс, В.Sorensen, N.Tiwari, С.Танака ва бошқалар ишларида⁶ тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз физика таълимининг умумтаълим ўқитиш тизими жараёнини такомиллаштириш К.Турсунметов, Н.Турдиев, З.Сангилова, Қ.Суяров, Ж.Ўсаров, Н.Раҳмонқулова, М. Юлдашев, А. Бахромов, МДХ давлатларида И.Земняя, Е.Бондаренко, И.Ипатьева, хорижий давлатларда В.Адольф, И.Фруммин, М.Кларин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Физика ва астрономия фанларини ўқитиш методикаси муаммолари Э.Назиров, М.Қурбонов, М.Джораев, М.Мамадазимов, Ю.Махмудов, К.Насриддинов, физика фанини ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш Д.Бегматова, Х.Махмудова, Б.Саттарова, И.Билолов, Ш.Ташходжаев, Г.Умарова, М.Даминов, МДХ давлатларида физика ва астроно-

³ А.Т.Мамадолимов, М.Н. Турсунов. Яримўтказгичли куёш элементлари физикаси ва технологияси. – Тошкент, 2003. – 104 б.; М.К.Бахадирханов, Г.О.Кобылин, С.А.Тачилин. Физика и технология солнечных элементов. Част 1. – ТГТУ, 2007. – 149 с.

⁴ С.Қ.Қаххаров, Ҳ.О.Жўраев. Муқобил энергия манбалари. Дарслик. – Тошкент: “NisoPoligraf”, 2016. – 240 б.; Қаххаров С.Қ., Жўраев Ҳ.О. Муқобил энергия манбалари йўналишида педагог кадрлар тайёрлаш // “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида аниқ ва табиий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги ва узвийлиги масалалари” Республика илмий-назарий анжумани материаллари, 28–29 март, 2014 йил, 111–113 б.; Жўраев Ҳ.О. Муқобил энергия манбаларига оид маълумотлар беришда дидактик принциплардан фойдаланиш // Бухоро давлат университети №1(67). – Бухоро, 2017. – 188–193 б.

⁵ Глеуов А. Нетрадиционные источники энергии / Учебное пособие. – Астана: Фолиант, 2009. – С. 243; Германович В., Турилин А. Альтернативные источники энергии и энергосбережение. Практические конструкции по использованию энергии ветра, солнца, воды, земли, биомассы. – СПб.: Наука и техника, 2014. – С. 320; Ю.Д.Сибикин. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии: учебное пособие. – Москва: КноРус, 2010. – 228 с.: ил. Библиогр. – С. 228;

⁶ Твайделл Дж., Уэйр А. Возобновляемые источники энергии / Пер. с англ. – Москва: Энергоатомиздат, 1990. – 392 с; Tiwari G.N. Solar Energy, Fundamentals, Design, Modelling and Applications. – Narosa Publishing House, 2001. – 519 p.

мияни ўқитиш методикаси Е.Веденева, Н.Гомулина, О.Мирзабекова, А.Назаров, А.Чефранова, хорижий давлатларда Д.Мамонтов, Т.Хинтон, М. Шеферд ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Таълимда ахборот технологиялари ва ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, М.Арипов, У.Юлдашев, Н.Тайлоқов, Н.Муслимов, Ш.Шарипов ва бошқалар, МДХ давлатларида Н.Гаврилов, А.Андреев, О.Осипова, А.Корякина, В.Парамзина, Е.Полат томонидан ўрганилган.

Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари турлари, улар асосидаги қурилмалардан инсоният турмуш тарзининг барча соҳаларида иссиқлик ва электр манбаи сифатида фойдаланиш имкониятлари, иқтисодий самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил этиш масалалари Р.Авезов, М.Муродов, И.Йўлдошев, А.Ярбеков, Д.Мирзарайимов, Б.Алиқулов⁷, МДХ давлатларида Р.Городов, В.Каргиев, Н.Баранов, С.Удалов, Г.Рязанова⁸, хорижий давлатларда Stephen S.Fonash, G.Boyle ва бошқалар⁹ илмий ишларида тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон фанлар академияси физика-техника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-004 рақамли “Юқори самарадорликка эга бўлган, арзон, узоқ муддат ишлашга мўлжалланган фотоайлангиргичлар ва улар асосидаги фотоэнергетик модулларнинг янги фундаментал физик механизмлари ва шаклланиш усуллари ўрганиш” (2017–2019 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади узлуксиз таълимда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида физика ўқитиш жараёни мазмунини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узлуксиз физика таълимида дидактик принциплар асосида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор технология-

⁷ Д.У.Мирзарайимов. Иқтисодий ўсишнинг омили сифатида энергия тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг хориж тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – № 5, октябрь, 2017 йил. – 1–11 б.; Б.С.Алиқулов. Ўзбекистондаги айрим галофит ўсимликлар биомассаларининг биоэнергетик потенциали. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. – 45 б.

⁸ Городов Р.В., Губин В.Е., Матвеев А.С. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии / Учебное пособие. – Томск: Изд-во ТПУ, 2009. – 294 с; Лабейш В.Г. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2003. СЗТУ, 79 с.; Каргиев В.М. и др. Ветроэнергетика. Руководство по применению ветроустановок малой и средней мощности. –Москва: “Интерсоларцентр”, 2001, – С. 62; Баранов Н.Н. Нетрадиционные возобновляемые источники и методы преобразования их энергии. – Москва: Изд-во МЭИ, 2011. – 216 с.: ил.–Библиогр. – С. 214–216; Удалов С.Н. Возобновляемые источники энергии: учебник. – Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2009. – 432 с.: ил. –Учебники НГТУ. – Библиогр. – С. 422–424; Рязанова Г.Н. Институциональные аспекты альтернативного энергообеспечения предприятий в народном хозяйстве. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2015. – 207 с.

⁹ Stephen J.Fonash. Solar Cell Device Physics. Academic Press is an imprint of Elsevier. 30 Corporate Drive, Suite 400, Burlington, MA 01803, USA. The Boulevard, Langford Lane, Kidlington, Oxford, OX5 1GB, UK. 2010. – p. 349; G. Boyle Renewable Energy: Power for a Sustainable Future. – Oxford University Press, 2010. – 565 pp.

ларга доир замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

узлуксиз физика таълими босқичлари: умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари физика таълими жараёнларида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари фундаментал ва амалий асосларига доир материалларни ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш методикасини такомиллаштириш;

физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид билим ва кўникмаларни шакллантиришда ўқитишнинг интегратив методларидан фойдаланиш, фанлараро боғланиш орқали ўқув материалларини танлаш мезонларини аниқлаш асосида физика таълими жараёнини такомиллаштириш;

физика таълимида дарсдан ташқари (илмий семинар, баҳс-мунозара, мустақил таълим, илмий ва ўқув тўғарак, факультатив курслар) машғулотларда муқобил энергия манбалари турлари ва уларнинг замонавий конструкцияларига доир материалларни ўқувчи ва талабаларга етказишда мантиқий-ижодий фикрлаш, мустақил ишлаш ва конструкторлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар, самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида физика фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Термиз давлат университети, Тошкент давлат техника университети, Наманган муҳандислик қурилиш институти, Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалларидан 405 нафар талаба, Термиз давлат университети қошидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсидан 260 нафар тингловчи, Сурхондарё вилоятидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларидан 180 нафар ўқувчи, Сурхондарё вилоятидаги 4 та мактабдан 660 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети – узлуксиз физика таълими жараёнида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари фундаментал ва амалий асосларини ўқитиш мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узлуксиз таълимда физика фанини ўқитиш мазмуни муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг физикавий асосларини ўрганишга доир кўргазмали демонстрацион макетлар тузилмасини киритиш асосида такомиллаштирилган;

муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид замонавий компетенцияларни шакллантириш босқичлари ўқув материаллари узвийлигини таъминлашда фундаментал ва амалий билимларга йўналтирилган принципларни аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

физика таълими жараёнлари ўқитишнинг аниқ ва табиий фанлар боғлиқлигига йўналтирилган интегратив метод ва усулларни қўллашда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари материалларини танлаш мезонларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

олий ўқув юртларининг физика таълимида медиатаълим воситаларидан фойдаланиб ўқитишнинг методик асослари муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳосил қилувчи қурилмалар (тузилиши, ишлаш принципи, замонавий конструкциялари)ни ўқитиш технологияларига киритиш асосида такомиллаштирилган;

физика фанидан илмий ва ўқув тўғарак машғулотлари ва факультатив курсларни ташкил этишда ўқувчи ва талабаларнинг энергия манбаларидан фойдаланиш маданиятининг (самаралилик, оқилоналик, тежамкорлик) мустақил ишлаш, мантиқий фикрлаш, илмий дунёқараш, конструкторлик ва яратувчанлик қобилиятларини ривожлантиришга таъсири асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

физика фанини ўқитишда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор технологиялардан самарали, оқилона ва тежамкор фойдаланиш маданиятини ўқувчи ва талабаларда шакллантириш имкониятлари амалиётга жорий этилган;

узлуксиз физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари мазмунидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича тадқиқотда ишлаб чиқилган методик ва дидактик ишланмалар, ишчи ҳолатидаги кўргазмали демонстрацион материаллардан фойдаланиб ўқитиш амалиётга жорий этилган;

узлуксиз физика таълими жараёнида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ўқитишга доир ташкил этилган дарсдан ташқари факультатив курслар, илмий ва ўқув тўғарак машғулотларида ўқувчи ва талабаларда мантиқий фикрлаш, мустақил ишлаш ва конструкторлик қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари амалиётга жорий этилган;

узлуксиз физика таълимида муқобил энергия манбалари мазмунидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда аниқ ва табиий фанлар интеграциясидан фойдаланиш бўйича яратилган методик ишланмалар ва тавсиялар ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган педагогик тадқиқотлар натижаларининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, узлуксиз физика таълимида экологик жиҳатдан тоза, энергетик жиҳатдан самарали ҳисобланган муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид етарлича замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган методик таклиф ва тавсиялар муҳим аҳамият касб

этади. Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни интегратив методлар, яъни аниқ ва табиий фанлар интеграцияси асосида ўқитиш методикасининг татбиқ этилиши ўқувчи ва талабаларга замонавий билим беришда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материаллар асосида узлуксиз физика таълими мазмунини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

узлуксиз таълимда физика фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг физикавий асосларини ўрганишга доир кўргазмали демонстрацион макетлар тузилмаси, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид замонавий компетенцияларни шакллантириш босқичлари, ўқув материаллари узвийлигини таъминлашда фундаментал ва амалий билимларга йўналтирилган принципларга оид таклифлар ФЗ-ФА-0-28475 рақамли “Қуёш нурланиши асосидаги фотоайлантиргичларда эффективликни ошириш усулларининг янги физик асослари” (2013-2016 йй) мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 июндаги №89-03-2524-сон маълумотномаси). Лойиҳа доирасида “Физика”, “Гелиотехника ва ноанъанавий энергия манбалари”, “Энерготехкорлик асослари” махсус ва танлов фанларининг ўқув мазмуни такомиллаштирилган;

физика фанидан илмий ва ўқув тўғарак машғулоти ва факультатив курсларни ташкил этиш, ўқувчи ва талабаларнинг энергия манбаларидан фойдаланиш маданиятининг (самаралилик, оқилоналик, тежамкорлик) мустақил ишлаш, мантиқий фикрлаш, илмий дунёқараш, конструкторлик ва яратувчанлик қобилиятларини ривожлантиришга оид узлуксиз таълимнинг мактаб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари физика фанини ўқитишда муқобил энергия манбалари турлари ва уларнинг замонавий конструкцияларини ўрганишга доир кўргазмали демонстрацион макетлар, виртуал лаборатория ишлари ишлаб чиқилган ва физика фани дарс ва дарсдан ташқари ўқув тўғарак машғулоти татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 ноябрдаги №89-03-4112-сон маълумотномаси). Натижада, физика дарс жараёни ва ўқув тўғарак машғулоти самарадорлиги ортган;

физика таълими жараёнларини такомиллаштириш, ўқитишнинг аниқ ва табиий фанлар боғлиқлигига йўналтирилган интегратив метод ва усулларни қўллаш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари материалларини танлаш мезонларига оид тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарорининг 1-, 2-иловаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказининг 2019 йил 11 январдаги №02/03-02-1 сонли маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат асосида умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими

муассасалари учун физика фани мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

олий ўқув юртларининг физика таълимида медиатаълим воситаларидан фойдаланиш, ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид ўқув дидактик таъминотга доир таклифлар ФА-ФЗ-004 рақамли “Юқори самарадорликка эга бўлган, арзон, узоқ муддат ишлашга мўлжалланган фотоайлангиргичлар ва улар асосидаги фотоэнергетик модулларнинг янги фундаментал физик механизмлари ва шаклланиш усулларини ўрганиш” (2017-2019 йй) мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 июндаги №89-03-2524-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида “Муқобил энергия манбалари (йўналишга кириш)”, “Фотоэлектрик батареялар ва қурилмалар технологиялари”, “Қуёш энергетикаси” махсус ва танлов фанларининг ўқув мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида, 2 та илмий семинар ҳамда университет “Физика” кафедрасининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 63 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 32 та мақола, жумладан, 12 таси хорижий, 20 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 220 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни ўрганишнинг долзарб масалалари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда Ўзбекистон ва чет эл олимлари ишлари батафсил баён қилинган ва уларга таҳлилий ёндашилган. Энергия тежамкор технологиялар ва улардан фойдаланиш имкониятлари, Ўзбекистонда муқобил энер-

гия манбалари турлари ва уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида статистик маълумотлар келтирилган. Шунингдек, анъанавий ва муқобил энергия манбалари турлари, замонавий конструкциялари, келажакдаги истиқболлари, улардан самарали, оқилона ва тежамкор фойдаланиш имкониятларига оид материалларни узлуксиз физика таълимида ўқитишга доир муаммолар ўрганилган ва таҳлил этилган.


Ушбу бобда анъанавий энергия манбалари турлари (АЭС, ГЭС, ИЭС) Жаҳондаги ва Республикамиздаги ҳозирги пайтдаги энергия ишлаб чиқариш суратлари, ютуқ ва муаммолар, камчиликлари, энергия ресурсларининг захиралари, техник-технологик имкониятлари ва қувватлари, замонавий конструкциялари тўғрисидаги физика фанига оид илмий-тадқиқотлар ва уларнинг статистик таҳлиллари келтирилган. Физикада муқобил энергия манбалари турлари (куёш фотоэнергетикаси, шамол энергетикаси, геотермал энергетика, биоэнергетика, мини ва микро ГЭС) замонавий конструкциялари, тузилиши ва ишлаш принциплари, параметрлари ва уларни назорат қилиш усул ва методлари ҳамда улардан фойдаланишнинг техник имкониятларига доир фан ва техника сўнгги янгиликлари келтирилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, бу бобда узлуксиз физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари доир материалларни ўқитишнинг долзарблиги, мақсад вазифалари, объектлари, қонун-қонуниятлари, асосий тушунчалари ҳар томонлама муфассал баён этилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик ва дидактик асослари”** деб номланган иккинчи бобида: узлуксиз таълим тизимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни босқичма-босқич ўқитиш технологиялари бўйича методик таклиф ва тавсиялар келтирилган; муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни ҳар бир таълим босқичида ўқитишга доир методик ёндашувлар, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини самарали ташкил этишнинг дидактик вазифалари атрофлича ёритиб берилган; умумтаълим мактабларида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид элементар тушунчалар, умумий маълумотлар берилиши, академик лицей ва касб-хунар коллежларида бу энергия манбаларини ҳосил қилиш механизмлари, назарий қонунлари, энергия манбаларини ҳосил қилишнинг технологик маршрутлари, қурилмаларининг техник имкониятлари билан таништирилиши, олий таълимда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳосил қилиш муаммолари, энергия ҳосил қилишнинг мураккаб жараёнлари ва тизимлари, станциялар қуввати ва фойдали иш коэффициенти ошириш метод ва усуллари бўйича маълумотлар баён этилган. Қуйидаги 1-жадвалда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари (М ва ҚТЭМ)га оид физика фани хусусий компетенциялари асосида физика фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш имкониятлари келтирилган. Бунда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид асосий ўқув материаллари танлаб олинган ва мазмун-моҳияти атрофлича ёритиб берилган.

Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материаллар асосида физика фанига доир хусусий компетенцияларни шакллантириш орқали ўқув жараёнини такомиллаштириш имкониятлари

Т/р	Физикавий компетенциялар	Мазмун ва моҳияти	М ва ҚТЭМга оид ўқув материаллари асосида физика таълими мазмунини такомиллаштириш имкониятлари
1.	М ва ҚТЭМга оид физик ҳодиса ва жараёнларни аниқлаш, тушуниш ва изоҳлаш компетенцияси	М ва ҚТЭМ ҳосил бўлиши жараёнларига мос келувчи физика фанига доир қонун ва қонуниятларни аниқлаш баён эта олиш, физик ҳодиса, жараёнлар, уларнинг асосий параметрлари орасидаги боғланишларни тўлиқ таҳлил қила олиш	Қуёш фотоэнергетикаси, шамол энергетикаси, геотермал энергетика, биогаз энергетикаси, водород энергетикаси, океан ва денгиз тўлқинлари энергетикаси, мини гидроэнергетика каби М ва ҚТЭМ, электр, иссиқлик энергияси ҳосил бўлиш механизмлари, усулларини физикавий жараёнлар асосида тушунтириш. М ва ҚТЭМдан фойдаланишнинг техник имкониятлари, замонавий конструкциялари, ютуқ ва муаммолари, М ва ҚТЭМдан келажакда барча соҳаларда кенг фойдаланиш истиқболларини баён этиш.
2.	М ва ҚТЭМга оид амалий тажриба, кузатишлар ўтказиш компетенцияси	М ва ҚТЭМда иссиқлик ва электр энергияси ҳосил бўлиши физик ҳодиса, жараёнларини кузатиш, лаборатория ишлари, тадқиқотлар ва амалий тажрибалар ўтказиш, натижалар олиш, умумлаштириш, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш	М ва ҚТЭМдан қўшимча энергия манбалари сифатида фойдаланиш имкониятлари кундалик турмушда, халқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришда экологик тоза ва энергетик жиҳатдан самарали энергия манбалари эканлигини асослаш. Энергия ҳосил қилишнинг замонавий метод ва усулларини қўллаш асосида экспериментлар ўтказиш ва уларнинг самарали эканлиги ҳамда бошқа энергия турларидан афзалликларини асослаш

Жадвалда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни физика таълимида шакллантиришда хусусий компетенцияларни ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материаллар асосида физика фанини ўқитишнинг педагогик тузилмаси 1-расмда келтирилган.




1-расм. Узлуксиз физика таълим тизимида М ва ҚТЭМга оид материалларни ўқитишнинг педагогик тузилмаси

Ушбу педагогик тузилма асосида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни физика таълимида шакллантириш имкониятларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг методик асослари ишлаб чиқилди. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни узлуксиз физика таълимида шакллантиришда ўқитишнинг ноанъанавий шакллари: ҳамкорликда ўқитиш, моделлаштириш, ўрганишнинг тадқиқот моделларидан (маъруза, амалий, семинар, тажриба машғулотларида) самарали фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Узлуксиз физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни ўқитиш методикаси”** номли учинчи бобида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари ва уларнинг замонавий асослари тўғрисидаги билим ва кўникмаларни узлуксиз таълим жараёнида шакллантиришга доир методик таклиф ва тавсиялар баён этилган. Узлуксиз таълим тизимида физика фани ўқув дастурлари, ўқув адабиётларида (дарсликлар ва қўлланмалар) энергия ҳосил қилиш ва ундан фойдаланишнинг анъанавий усуллари, уларнинг физик қонуниятлари, улардан фойдаланиш имкониятлари бўйича қизиқарли маълумотлар ёритилган. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг фундаментал ва амалий асосларига доир маълумотларни ўқитиш муаммолари ва ўқитиш жараёнидаги самарали ечимлари педагогик экспериментлар натижаларига мувофиқ чуқур таҳлил қилинган. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари фундаментал ва амалий асосларига доир етарлича билим ва кўникмалар, замонавий фан ва техника янгиликлари бўйича материалларни ўқитишда камчиликлар мавжудлиги баён этилган. Келажак энергетикаси сифатида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссаси беқиёс эканлиги, бу энергия турларидан самарали, оқилона ва тежамкор фойдаланишга доир маълумотларни ўқитиш жараёнига мос ҳолда методик ва дидактик жиҳатдан қайта ишлаш, ушбу материалларни ўқитиш узвийлигини таъминлаш масалалари бўйича методик таклиф ва тавсиялар келтирилган. Физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари элементар ва асосий тушунчаларини ўқитиш технологияларига доир бир қанча методик ишланмалар ушбу бобда атрофлича ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари турлари, уларнинг замонавий конструкциялари, ишлаш принциплари ва бу энергия турларидан самарали фойдаланиш имкониятларига оид билим ва кўникмалар, шунингдек, янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида педагогик экспериментларни ташкил этиш методикаси ёритиб берилган. Бунда ўқувчиларнинг ёши, Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилган методик тавсиялар ва кўрсатмалар асосида ўқитиш метод ва усулларида самарали фойдаланиш имкониятлари баён этилган. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига доир хусусий компетенцияларни физика ўқитиш жараёнида шакллантиришда қуйидаги умумлашган модель асос қилиб олинган (2-расм).




2-расм. Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари (М ва ҚТЭМ)га оид хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг умумлашган модели

Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича элементар тушунчаларни шакллантиришда ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили асосида кўргазмали воситалар, ишчи ҳолатидаги демонстрацион макетлардан фойдаланиш методикасига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига доир кўргазмали демонстрацион материаллар дарс жараёнида ўқувчиларда ностандарт фикрлаш ва конструкторлик қобилиятларининг ривожланишига хизмат қилиши аниқланган (3-расм).



3-расм. Кўргазмали демонстрацион макетлар (тўғарак машғулотида куёш нурланиш энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг физикавий асосларини ўрганишдаги кўргазмали макетлар)

Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни физика таълимида шакллантириш технологияси бўйича методик ишланма ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди. Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари (М ва ҚТЭМ)га оид фундаментал ва амалий тушунчаларни шакллантириш технологияси қуйидаги 4-расмда келтирилган. Ушбу таклиф ва тавсиялар асосида узлуксиз физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш имкониятлари аниқланди.



4-расм. Физикада М ва ҚТЭМга доир тушунчаларни шакллантириш технологияси

Ушбу бобда муқобил энергия манбалари турлари тўғрисидаги билим, кўникма ва малакаларни физика дарсларида етарлича шакллантиришда кўр-газмалилик, изчиллик, тизимлилик тамойилларидан фойдаланишга доир методик таклиф ва тавсиялар келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда қуёш элементларини тайёрлаш технологияси, хомашё материаллари, уларнинг турлари, олиниш технологияси, қуёш элементларига механик, кимёвий, оптик ишлов бериш метод ва усулларига доир билим ва кўникмаларни талабаларда шакллантиришга доир дарснинг технологик хариталари ишлаб чиқилган. Замонавий энергетик қурилмалар конструкциялари, фотобатареялар ва улар асосидаги фотоэлектрик қурилмалар, уларнинг ишлаш принципи, фойдали иш коэффициентларига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни ўқитиш технологиялари ҳамда методик таклиф ва тавсиялар келтирилган.


Диссертациянинг **“Фанлараро боғланиш асосида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни ўқитиш методикаси”** деб номланган тўртинчи бобида аниқ ва табиий фанлар интеграциясидан фойдаланиб муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни ўқитишнинг методик ва дидактик асослари баён этилган. Бунда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни физикада ўқитишда интегратив билимларнинг мазмуни, интеграллаш тамойиллари, физика-экология-иқтисод фанларидаги муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид интеграллашган билимлардан фойдаланиш усуллари асосида ўқувчи ва талабалар билимларини чуқурлаштиришга доир методик ишланмалар келтирилган. Ушбу бобда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид танланган материаллар асосида фанларнинг интегратив билимларини умумлаштиришга доир фикр-мулоҳазалар изоҳлаб берилган. Хусусан, физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни ўқитишда танланган интегратив билимлар мавзуларга мос бўлиши, танланган ҳар бир мавзу мазмун ва моҳиятига, хусусиятларига мувофиқ келиши асослаб берилган. Шунингдек, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид билимлар ўқувчи ва талабаларда илмий дунёқараш, қизиқишни ошириш ва ривожлантиришга хизмат қилиши борасидаги методик таклиф ва тавсиялар тўғрисида сўз юритилган. Физика фанини ўқитишда бир-бирига яқин фанлар асосида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материаллар интеграциясини шакллантириш, бу фанлар энергия ҳосил бўлиш жараёнларига доир ўрганилаётган тушунчаларни тўлдирувчи ҳамда бир-бирини инкор этмаслиги лозим бўлади. Шунинг учун диссертация тадқиқот ишларида интеграллашган билимлар асосида ўқувчи ва талабаларда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига доир яхлит, бир-бирини тўлдирувчи интегратив материалларни танлаш масалалари чуқур ўрганилган. Хусусан, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид фундаментал ва амалий тушунчаларни физика таълимида шакллантиришда аниқ ва табиий фанлар интеграциясидан (физика, экология, иқтисод) фойдаланиш имкониятлари бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

М ва ҚТЭМга оид фундаментал ва амалий тушунчаларни физика таълимида шакллантиришда аниқ ва табиий фанлар интеграциясидан фойдаланиш имкониятлари

Т/р	М ва ҚТЭМга оид мавзулар	Физикавий асослари	Экологик асослари	Иқтисодий асослари
1.	Анъанавий ва муқобил энергия манбалари турлари	Энергия турлари ҳосил бўлишининг физикавий жараёнлари, механизми, физик катталиклар ва улар орасидаги боғланишлар	Анъанавий ва муқобил энергия манбалари турларининг атроф-муҳит экотизимига таъсири, энергия ҳосил қилишда экологик шарт-шароитлар	Энергия ишлаб чиқариш ва унинг таннарихи, энергия турларининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ва энергия сарфи, энергия тежамкорлик асослари
2.	Қуёш фотоэнергетикасининг физикавий асослари	Ички фотоэффект қонуни асосида қуёш элементларида фотоЭЮК ҳосил бўлиш механизми	Қуёш фотоэлектрик қурилмаларидан фойдаланишда ҳарорат ва чанглатиш даражаларининг экологияга таъсири	Қуёш фотоэнергетикасининг иқтисодий самарадорлиги, қуёш энергетикасида ишлатиладиган хомашё материаллари ва уларнинг таннарихи
3.	Шамол энергетикасидан фойдаланиш имкониятлари	Шамол кинетик энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг физикавий жараёнлари, шамол тезлиги, шамол генераторлари	Шамол энергетикасидан фойдаланишнинг экологияга таъсири, шамол парклари барпо этилишининг экологик шарт-шароитлари	Шамол энергетикаси энг арзон ва қулай энергия тури, иқтисодий самарадорлиги, турли географик ҳудудларда шамол энергияси таннарихининг ўзгариш сабаблари
4.	Биогаз энергетикаси	Ҳар хил чиқинди ва чириндилардан газ ажралиб чиқилишининг физикавий жараёнлари, газ босими, тури ва улардан фойдаланишнинг техник имкониятлари	Биогаз энергетикасида қўлланиладиган чириш натижасида таркибидан кўп газ ажралиб чиқадиган ўсимликлар турлари, уларнинг ўсиш ва ривожланиш экологияси	Биогаз энергетикасидан турмушда ва халқ хўжалигида самарали ва оқилона фойдаланиш, биогаз қурилмаларининг энергетик қувватларини оширишнинг иқтисодий ечимлари

Юқорида келтирилган мавзуларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи фанлар улуши тақсимотини ўрганилаётган ҳодиса ва жараёндаги объект ҳосса ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ўз педагогик маҳорати ва интегратив ўқитиш методлари асосида танлайди. Ушбу бобда келтирилган методик таклиф ва тавсиялар асосида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид замонавий тушунчаларни ўрганишда аниқ ва табиий фанлар

интеграциясидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Бу, ўз навбатида, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига доир физикавий жараёнлар ёки ҳодисаларнинг бутун тизимга қандай таъсир кўрсатишини ҳар томонлама ўрганиш имкониятини беради. Бунинг учун узлуксиз таълим тизимида физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни фанлараро боғланиш асосида ўқитишнинг дидактик вазифаларини аниқлаб олиш босқичлари қуйидаги 5-расмда келтирилган.



5-расм. Аниқ ва табиий фанлар интеграциясидан фойдаланиб, физика таълимида М ва ҚТЭМга оид материалларни ўқитишнинг дидактик вазифалари

Умуман олганда физика ўқитишда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид интегратив билимлар мазмуни, интеграллашган билимлар тизими, интегратив дидактик материаллар ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш имкониятларига доир методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Физика ўқитиш самарадорлигини оширишда интегратив билимлардан фойдаланиш асосида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ишлаш, ностандарт фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва кундалик ҳаётда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан амалиётда қўллай олиш малакаларини шакллантиришга доир методик ишланмалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Физикада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида узлуксиз таълим тизимида физика фанини ўқитишда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид материалларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритилган.

Илмий изланишлар танланган илмий-тадқиқот муаммоси доирасида, физика ўқитиш методикаси соҳасида яратилган методик адабиётлар мазмуни билан танишиб чиқиш асосида олиб борилди, педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги тажриба-синов олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида аниқланди, тажриба-синов ўтказиш учун объектларининг географик жойлашуви, педагогик шарт-шароитлар таъминланди.

Тажриба-синов ишлари 2010–2018 йиллар мобайнида қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилди: изланувчи, аниқловчи босқич (2010–2012 йй), таъкидловчи босқич (2012–2014 йй), тасдиқловчи босқич (2014–2016 йй), шакллантирувчи, яқунловчи босқич (2016–2018 йй).

Экспериментни ташкил қилишда дастлаб тажриба-синов ўтказилиши зарур бўлган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари аниқланди. Улардаги ўқувчи, талабаларнинг физик билим, кўникма ва малакалари анкета ва тест синовлари, ёзма иш, оғзаки савол-жавоблар ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Эксперимент натижаларининг аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида ўқув муассаларидаги физик билим савиялари тенг бўлган гуруҳ ва синф ўқувчи ва талабалари танлаб олинди. Тажриба-синов ишларида Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги 5-, 9-сонли мактаблардан 480, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан 180, Термиз давлат университетидан 163, Наманган муҳандислик қурилиш институтидан 124, Тошкент давлат техника университетидан 118, Термиз давлат университети қошидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетидан 126, жами 660 нафар ўқувчи, 405 нафар талаба ва 260 нафар малака ошириш курси тингловчилари иштирок этди. Шунингдек, тажриба-синов ишларида юқорида келтирилган муассасаларда физика фани бўйича ташкил этилган илмий ва ўқув тўғарак аъзоларидан 183 нафар ўқувчи ва 210 нафар талаба ҳам иштирок этишди.

Умумтаълим мактаблари физика таълимида ўтказилган педагогик тажрибадан олинган натижалар ишончилигини аниқлаш ва таклиф қилинган методиканинг самарали эканлигини кўрсатиш мақсадида улар К.Пирсон томонидан таклиф этилган χ^2 статистик мезон ёрдамида таҳлил қилинди. Бунда кўрсатилган статистик мезоннинг қиймати

$$\chi_{кузатув}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^c \frac{(n \cdot O_{2i} - M \cdot O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}} \quad (1)$$

формулага кўра ҳисобланди. Бу ерда: n – тажриба гуруҳидаги ўқувчилар сони; m – назорат гуруҳидаги ўқувчилар сони; O_{1i} ва O_{2i} – мос равишда назорат ва тажриба гуруҳларида баҳолаш турларига нисбатан олинган баҳо-лар сони. χ^2 мезонининг тажриба натижалари танланган назорат ва тажриба гуруҳи талабаларида 4 та баҳолаш турлари асосида олиб борилганлиги учун баҳолаш турлари, яъни категориялар сони $C=4$ га тенг. Эркинлик даражаси $K=C-1$ ифодадан аниқланади. Аҳамиятлилик даражаси 0,05 бўлганда эркин-лик даражаси $K=C-1=3$ га тенг бўлиб, χ^2 нинг статистик жадвалларда келтирилган қиймати $\chi_{критик}^2(0,05;3)=7,8$ га тенг.

H_0 – нолинчи (асосий) фараз сифатида тадқиқотда ишлаб чиқилган физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид хусусий компетенцияларни шакллантириш методикаси ўқувчи ва талабалар-нинг билим, кўникма ва малакаларига таъсир этмайди, балки тасодифийдир.

H_1 – фаразда эса физика таълимида муқобил ва қайта тикланувчи энер-гия манбаларига оид хусусий компетенцияларни шакллантириш методикаси ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига ижобий таъсир этади ва статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, тасодифий эмас деб қабул қиламиз, H_0 фаразни рад қилиш учун етарлича фактларни келтирамиз. Тажрибамизда $C=4$ эканлигини назарда тутиб, (1) формулани 4 та баҳолаш турлари учун ёзамиз:

$$\chi_{кузатув}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \left\{ \frac{(n \cdot O_{21} - m \cdot O_{11})^2}{O_{11} + O_{21}} + \frac{(n \cdot O_{22} - m \cdot O_{12})^2}{O_{12} + O_{22}} + \frac{(n \cdot O_{23} - m \cdot O_{13})^2}{O_{13} + O_{23}} + \frac{(n \cdot O_{24} - m \cdot O_{14})^2}{O_{14} + O_{24}} \right\} \quad (2)$$

Тадқиқот майдончаларида олиб борилган тажриба-синов ишлари якуни-даги натижаларнинг статистик тақсимооти 3-жадвалда келтирилади:

3-жадвал

Тажриба-синов ишлари натижалари

Баҳолар Гуруҳлар	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (ўрта)	2 (қониқарсиз)	Ўқувчилар сони
Тажриба	$O_{11}=30$	$O_{12}=56$	$O_{13}=27$	$O_{14}=7$	$n=120$
Нazorat	$O_{21}=14$	$O_{22}=50$	$O_{23}=43$	$O_{24}=13$	$n=120$

Тадқиқотдаги тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчилар сони бир хил, яъни $n=m=120$ эканлигини инобатга олган ҳолда 3-жадвалда келтирилган

баҳолар миқдори қийматларидан фойдаланиб $\chi^2_{\text{кузатув}}$ нинг қийматини аниқлаймиз: $\chi^2_{\text{кузатув}}=11,6$.

Тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари якунида ўтказилган назорат натижаларига кўра $\chi^2_{\text{кузатув}}=11,6 > \chi^2_{\text{критик}}=7,8$ эканлиги туфайли H_0 илмий фараз рад этилади. Ушбу натижалар асосида тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид билим даражаси 95% ишончлилик билан назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билим даражасидан юқори эканлиги исботланди.


Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказилган педагогик тажрибадан олинган натижалар ишончлилиги ҳам умумтаълим мактабларидаги сингари К.Пирсон томонидан таклиф этилган χ^2 статистик мезон ёрдамида таҳлил қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

Педагогик тажриба-синов натижалари

Баҳолар Гуруҳлар	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (ўрта)	2 (қониқарсиз)	Ўқувчилар сони
Тажриба	$O_{11}=63$	$O_{12}=91$	$O_{13}=27$	$O_{14}=9$	$n=180$
Нazorat	$O_{21}=36$	$O_{22}=66$	$O_{23}=31$	$O_{24}=22$	$n=180$

